

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАЗИЕВА ТУРҒУНОЙ ТУРСУНБОЕВНА**

**ФОНЕТИК УСЛУБИЯТНИ ЎРГАНИШДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ**  
**КРЕАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ**  
**ИЛМЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ**

**13.00.02 - Таълим-тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Казиева Тургуной Турсунбоевна**

Фонетик услубиятни ўрганишда ўқувчиларнинг креатив компетенцияларини  
ривожлантиришнинг илмий-методик асослари ..... 5

**Казиева Тургуной Турсунбоевна**

Научно-методические основы развития креативных компетенций учеников в  
изучении фонетической стилистики ..... 25

**Kazieva Turgunoy Tursunbaevna**

Scientific-methodological foundations for the development of creative  
competencies of pupils in the study of phonetic stylistics ..... 42

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 46

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАЗИЕВА ТУРГУНОЙ ТУРСУНБОЕВНА**

**ФОНЕТИК УСЛУБИЯТНИ ЎРГАНИШДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ**  
**КРЕАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ**  
**ИЛМЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ**

**13.00.02 - Таълим-тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2 Ped961  
рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Юсупова Шоҳида Жалолиддиновна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Улуков Носиржон Мухаммадалиевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Ниёзметова Роза Хасановна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги  
PhD.03/30.12.2019.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат  
\_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси 316-уй. Тел.:  
(99869) 227-06-12; факс: (99869) 227-07-61; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz))

Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш  
мумкин (.....рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси,  
316-уй. Тел.: (99869) 227-29-81.

Диссертация автореферати 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_кунни тарқатилди.  
(2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.Файзуллаев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

**Ш.К.Хўжамбердиева**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
фалсафа доктори (PhD)

**Т.Эгамбердиева**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда бугунги глобаллашув даврида муайян тилларни мулоқот воситаси сифатида ўрганиш, ҳар бир тилни жонли ҳолатда ўргатиш устувор вазифа қилиб қўйилмоқдаки, бу билан, Фердинанд де Соссюр таъкидлаганидай, ички ва ташқи тилшунослик ўзаро кесишмоқда. Зеро, тилнинг асосий вазифаси кишилар ўртасидаги алоқа-аралашувни шакллантиришдан иборат экан, таълим муассасаларида асосий эътиборни коммуникатив мақсадларга йўналтириш устувор вазифа саналади. Бу эса ўқувчилар мулоқотининг такомиллашувига, уларда эркин сўзлашув бўйича кўникма ва малакаларнинг ошишига қўйиладиган талаблар ҳамда тил материалидан мақсадли фойдаланишда она тили ўқитиш мазмунини модернизациялаш, замонавий педагогик технологияларни қўллаш методикасини такомиллаштириш, ўқитувчининг касбий компетентлигини оширишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтириш кераклигини тақозо этади.

Тилни мулоқот воситаси сифатида ўқитиш АҚШ, Австралия, Британия, Германия, Франция, Япония, Хитой Халқ республикаси, Россия Федерацияси ва бошқа қатор мамлакатларда етакчи йўналиш сифатида тан олиниб, унинг назарий асослари яратилиб, ўқитув услублари белгилаб берилмоқда. Натижада ўзига хос равишда нутқ лингвистикаси яратилди. Замонавий тилларни ўргатиш билан боғлиқ назарий, илмий ва методик масалалар Европа марказида, Islam Indonesiya университетиди, Линтон, Инчон, Бейжинг, Ханкуанг, Туркиянинг Gazi Üniversitesi (Туркия), Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters, Belfield pedagogical university Germany (Германия), Научный центр гуманитарных исследований (Россия) каби кўплаб илмий марказларда, университетларда тадқиқ объекти бўлиб, ўқувчиларга она тилини мулоқот методи асосида унга креативлик билан ёндашган ҳолда ўқитиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилаётгани алоҳида аҳамиятга эга.

Она тилини ўқитишдан мақсад ўқувчи тафаккурини ривожлантириш баробарида фикрлаш қобилиятини ўстиришдан ва ўз фикрини нутқий ирод қила олишдан, шунингдек, уни ёзма тарзда ифодалай олишдан иборатдир. Умумтаълим мактабларининг она тили дарсларида ўқувчиларга тил сатҳлари, унинг бирликлари, тил бирликларининг маъно ва вазифалари ҳақидаги илмий-назарий маълумотлар берилган бўлса, юқори синфларда, коллеж ва академик лицейларда асосий эътибор жонли мулоқотга, фикрни адресатга узатиш ва ундан ахборотни қабул қилиб олиш жараёнига, нутқнинг услубий жиҳатларига, алоқа-аралашувнинг юзага чиқишидаги суперсегмент воситалардан (оҳанг, пауза, товушларнинг сифатий хусусиятлари ва б.) фойдаланишга қаратилмоқда. Бу эса мамлакатимизда умумий коммуникатив билимнинг юқори бўлишини, нутқнинг таъсирчанлигини, суҳбатнинг жозибали ва мақсадли амалга ошишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам ёшларни билимли, нутқи равон, ижодий фикрлаш қобилиятига эга бўлишлари учун бир қанча ислохотлар амалга

оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ - 4947-сон Фармони<sup>1</sup> ҳамда 2019 йил 21 октябрдаги ПФ - 5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, шунингдек, давлат дастури лойиҳаларида “Таълим муассасаларида давлат тилини ўргатиш ва уни билиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштиришда давлат тилининг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш”<sup>2</sup> зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Ушбу қарор ва Фармонларда белгиланган вазифалар ижросини амалга ошириш ишимизнинг мақсадини белгилайди. Шунинг учун ҳам академик лицейларда она тилини креатив компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш, фонетик услубиятни нутқ ривожини воситаси сифатида ўргатиш зарурияти мақсад қилинган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инсоннинг жонли нутқини мақсадли ва таъсирли ифода этиш масаласи бугунги олампийлашув (глобаллашув) даврида бутун олам тилшунослари ва методистлари олдидаги долзарб масалалардан саналади. Зеро, мулоқотнинг талаб даражасида амалга ошириш ўша мамлакатда коммуникатив актнинг юқори савияда эканидан, алоқа-аралашув маданиятининг юксак эканидан далолат беради. Шунга кўра мамлакатимиз таълим тизимида тил таълими методикасининг ривожланишига оид талабларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш, тил бўйича малака ва кўникмаларни такомиллаштириш масаласида илмий-амалий ва услубий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотимизнинг асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда таълим тизимида фоностилистика, фонетик услубият ва уни ўрганишга бағишланган А.Ғуломов, Ш.Шоабдурахмонов, М.Асқарова, Г.Яхшиева, Ҳ.Неъматов, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, А.Ғуломов, Х.Қурбонова, Р.Сафарова, А.Рафиев, М.Рихсиева, Ш.Юсупова, Х.Муҳиддинова, Т.Зиядова каби педагог, тилшунос ва методист олимларнинг илмий изланишлари муҳим таълимий аҳамиятга эга. Ўзбек тили ўқитишнинг турли жиҳатларини ўз ичига олган Ё. Ғуломов, Н.Абдурахмонов, Э.Ризбаева, Х.Аҳмедова, А.Ғуломов, М.Қодиров,

---

<sup>1</sup>Электрон манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz) / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ- 4947-сон Фармони- Т. 2017, 7 февраль.

<sup>2</sup>Электрон манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)/ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил, 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ - 5850-сон Фармони. –Т. 2019, 21 октябрь.

Б.Тўхлиев, М.Шамсиева, Б.Қобилова, К.Усмонов, Н.Аҳмедов, О.Охунжоноваларнинг ишларида она тили таълими мазмунини янгилаш, нутқ ва тафаккур ўстириш масалаларида ҳам узлуксизликни таъминлаш, тил ўрганишда ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш, интеграцияли таълимни амалга ошириш, матн яратиш ҳамда матн устида ишлаш кўникмаларини шакллантириш, фонология ва уни ўргатиш, она тили дарсларида ўқувчи тафаккурини ўстириш, талаффуз ва ёзув масалалари тадқиқ этилди.

Республикамиз олимларидан Н.Н.Азизхўжаева, У.Ш.Бегимқулов, О.М.Мусурманова, Н.А.Муслимов, М.Х.Усмонбоева, Д.М.Сайфуров, А.Б.Тўраевларнинг илмий изланишларида эса ўқувчиларда компетентликни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик, интеграл-педагогик жиҳатлари тадқиқ этилган.

Тил компетенциялари бўйича Биринчи Европа Таҳлили (Language Competences. European Commission, 2010) Москва давлат лингвистика университети (Россия, 2003) томонидан олиб борилган. Ушбу тезис асосида рус олимларидан Н.Д.Голев, А.И.Власенков, П.В.Афанасьева ва бошқалар томонидан рус тили имлоси, фонетикасини шакллантириш муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлса, С.В.Воронин, А.П.Журавлёвлар фоносемантика, фоностилистика йўналишларини илмий асосладилар ва бу соҳа назарий жиҳатдан ўз мақомига эга бўлди. Бевосита фонетикани ўқитиш, фоностилистика ва уни ўргатиш борасида рус методистлари В.М.Шаклеин, Н.В.Рыжова, Ж.А.Головко, Е.А. Андрюшина, М.Т.Баранов кабиларнинг тадқиқотларини келтириш мумкин. Уларда фонетика услубиётини ўқитишнинг янги усул ва услублари хусусида назарий маълумотлар берилган, амалий ишлар тавсия этилган.

Шунингдек, Ш.Балли, К.Бюллер, Э.Бенвенист, М.Бахтин, Ж.Остин асарларида нутқий акт тушунчаси олға сурилган ва тилнинг мавжудлиги инсонларнинг сўзлаш ва ёзиш ҳаракатларини бажаришлари билан боғлиқлиги таъкидлаб ўтилган. J.C.Catford, Linda I. Hause, Norman J. Lass, Samaneh Seyedabadi, Azar Hosseini Fatemi, Reza Pishghadam қўлланма ва мақолаларида фонетика ва уни ўқитиш муаммолари, Robyn Tudor, Hyun Ju Kim, Jack C. Richards кабиларнинг асарларида эса ўқувчиларнинг креатив қобилиятларини ривожлантириш усул ва методлари хусусида фикрлар баён этилган.

Юқорида келтириб ўтилган ўзбек, рус, хориж олимлари ва методистлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар биз ҳал қилишни мақсад қилган муаммонинг маълум жиҳатларига алоқадор умумий хулосаларни бериш билан чекланган: фонетика, фоностилистика, фонетикани ўқитиш, нутқ услублари, талаффуз, ёзув, тил назарияси, нутқ ўстириш каби масалалар ёритилган. Фонетик услубиятни ўрганишда ўқувчиларнинг креатив компетенцияларини ривожлантириш, унинг жонли сўзлашувдаги аҳамияти, мулоқот жараёнида суперсегмент воситалардан фойдаланиш каби масалалар эътибордан четда қолган.

Она тили ўқитиш методикасида фонетика ўқитишнинг алоҳида ўрни бор. Зеро, товушлар бошқа тил бирликлари таркибида ишлатилиб, асос сифатидаги унсур саналар экан, унинг талаффузи, сифат ўзгаришлари – чўзиқ ёки қисқа талаффуз, иккилантириш, баланд ёки паст оҳангда талаффуз қилиш, пауза, урғу ва бошқа воситалар мулоқот актини ташкил қилиб, улар бир бутунликда ва диалектик боғлиқ ҳолатда ахборот узатишда иштирок этади. Бу борада ўзбек тилшунослигида олиб борилган тадқиқотларда фонетикани ўрганишнинг ўзига хос ўрни бор эканлигига у ёки бу даражада эътибор қаратилган. Бироқ ҳозирги ўзбек адабий тили таълимида фонетик услубиятни ўрганиш масалаларининг тадқиқ этилишини қониқарли даражада дея олмаймиз. Чунки мактаблар, олий ўқув юртлари учун мўлжалланган дарсликларда фонетик услубият ва унинг нутқда қўлланиши хусусида жуда қисқа маълумот бериш билан чекланилган. Ҳатто асосий мақсади фонетик услубиятни ўқувчиларга сингдиришдан иборат бўлган академик лицейларнинг 1- курс ўқувчилари учун тайёрланган дарсликда ҳам бу масала тўла ўз аксини топмаган: фонетика мавзуси соф назарий маълумотлардан иборат бўлиб, умумтаълим мактабларидаги фонетика бўйича мавзуларнинг мураккаблашган кўриниши сифатида тавсифланган, берилган машқларда фонетик услубиятни мустаҳкамловчи топшириқлар жуда юзаки берилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Ушбу тадқиқот Андижон давлат университети Мактабгача таълим методикаси кафедрасининг “Бўлажак тарбиячиларни тайёрлашда креатив ва инновацион фаолиятни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” асосий илмий-тадқиқот мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** академик лицейларнинг ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида фонетиканинг услубий жиҳатларини ўргатишда ўқувчиларнинг креатив компетенцияларини ривожлантиришни амалий меъёрларини белгилаш, амалиётга татбиқ этишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

муаммони илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида академик лицей ўқувчиларининг креатив қобилиятларини ривожлантириш ва нутқини ўстириш долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш;

ўқувчиларда товуш ва фонема, интонация, фонетик услубиятни ўрганишда фанлараро уйғунлик масаласи бўйича олган билимларини шакллантиришнинг самарадорлик даражасини аниқлаш ва илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

оҳанг ва унинг нутқдаги аҳамиятини сингдиришда ўқувчи креативлигини ривожлантириш усуллариغا, шунингдек, фонетика ўқитишда бирлаштирувчи ва фарқловчи белгиларни ўргатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш;

концентрлаштирилган таълим бериш орқали ўқувчи фаоллигини ошириш, уларнинг креативлигини ўстириш масалаларини ҳал этиш, шунингдек,

педагогик тажриба-синовларни ташкил этиш ва ўтказиш, амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида академик лицей ўқувчиларида фонетиканинг услубий жиҳатларини ўргатиш жараёни танлаб олиниб, унда Андижон, Наманган, Бухоро вилоятларининг академик лицейларининг жами 418 нафар респондент ўқувчилари иштирок этган.

**Тадқиқотнинг предмети** академик лицей ўқувчиларида фонетик услубиятни ўрганишнинг мазмуни, шакл, метод ва воситаларидир.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзуси бўйича фалсафий, психологик- педагогик, тарихий, ижтимоий-сиёсий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатиш, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, ижтимоий сўров (суҳбат, сўровнома, тест), моделлаштириш, математик-статистик натижаларни умумлаштириш каби методларга амал қилинди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда креатив компетентлиликни ривожлантиришнинг интерфаол усуллари (товушлардаги модал маънони аниқлаш ва уни нутқда қўллаш олиши, мантиқсизликдан маъно излаш усуллари, товуш ва фонемаларнинг моҳиятини англаш) қўллаш орқали фоностилистика (фонетик услубият)нинг нутқда қўшимча воситалар (суперсегмент) билан таъмаъно ифодалашини ўргатишнинг методик шартлари такомиллаштирилган;

фонетик воситаларнинг сўзнинг таъсирчанлигини ошириш орқали ўқувчи креативлигини ривожлантириш жараёни самарадорлиги ўқувчиларда товуш ва фонема, интонация, фонетик услубиятни ўрганишда фанлараро алоқадорликнинг синхрон уйғунлигини таъминлаш асосида аниқланган (статистик метод билан ишлаш, бир товуш билан фарқланувчи сўзларни ўн босқичли топшириқ асосида бажариш усуллари асосида);

интонациянинг нутқдаги ўрнини аниқлаш ҳамда нутқ жараёнида унга амал қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириш босқичлари самарали мулоқот (герменевтик метод, қармоқ семемаси, декомпозиция ва иерархия) стратегияларини танлаш асосида белгилаб берилган;

ўқувчилар креатив компетентлигини шакллантиришнинг интегратив технологияси концентрлаштирилган таълим (статистик маълумотлар, бирлаштирувчи ва фарқловчи семалар, грамматик эртак устида ишлаш, Менделеев жадвали асосида товушлар таҳлили) талабларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“Ҳозирги ўзбек адабий тили (фонетик услубиятни ўрганишда ўқувчиларнинг креатив компетенцияларини ривожлантириш)” номли ўқув қўлланма яратилган.

Фонетик услубиятни ўрганишда ўқувчининг креатив ҳамда лексик компетенцияларини такомиллаштирувчи машқлар тизими ишлаб чиқилган ҳамда методик таъминоти яратилган.

Инновацион таълим муҳити шароитида фонетик услубиятни ўрганишда ўқувчи креативлигини ривожлантиришга оид илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашувлар, усуллар ва назарий маълумотлар ишончли манбалардан олинганлиги; унинг давлат сиёсатига мослиги; амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижаларининг самарадорлиги; танланган илмий-тадқиқот метод, шакл ва воситаларининг мавзуга мослиги; олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили натижаларининг кўрсаткич даражаси юқорилиги; диссертацияда олға сурилган илмий ғоялар ҳамда республика ва халқаро илмий анжуманларда қилинган маърузалар мазмуни орқали кенг илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотчининг концепцияси ўқувчиларда фонетика бўйича таълим беришнинг методологик-дидактик асослари, тамойиллари, қонуниятлари, педагогик-психологик имкониятлари асосида мезонлар ишлаб чиқилиб, методика назариясига қўшган улушида акс этади. Академик лицей ўқувчиларида фонетика ўрганишнинг илмий-педагогик тавсифи, унинг илмий дефиницияси ишлаб чиқилганлиги ҳамда ўзига хос хусусиятларининг белгиланганлиги, фонетика ўрганишни ўспиринларга сингдиришнинг педагогик андозаси, самарали шакл, метод ва воситаларнинг аниқланганлиги билан характерланади. Шунингдек, олға сурилган назарий ғоялар, хулоса ва тавсиялардан нафақат академик лицейларда, балки умумтаълим мактабларининг юқори синфларида она тили дарсларининг мазмунини бойитишда, самарали шакл, метод ва воситаларини қўллашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши:** ўқувчиларда креатив компетентлиликни ривожлантиришнинг интерфаол усулларини (товушлардаги модал маънони аниқлаш ва уни нутқда қўллай олиши, мантисизликдан маъно излаш усуллари, товуш ва фонемаларнинг моҳиятини англаш) қўллаш орқали фоностилистика (фонетик услубият) нинг нутқда қўшимча воситалар (суперсегмент) билан тағмаъно ифодаланиши ўргатишнинг методик шартлари асосидаги таклиф ва тавсияларидан “Ҳозирги ўзбек адабий тили (фонетик услубиятни ўрганишда ўқувчиларнинг креатив компетенцияларини ривожлантириш)” номли ўқув қўлланма тайёрланган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 1186-сон буйруғи асосидаги 1186-058-сон гувоҳномаси). Натижада ўқувчиларда креатив компетентлиликни шакллантиришнинг праксиологик компонентининг методик жиҳатларини такомиллаштиришга эришилди;

интонациянинг нутқдаги ўрнини аниқлаш ҳамда нутқ жараёнида унга амал қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириш босқичлари самарали мулоқот стратегияларини танлаш асосида белгилаб берилган амалий таклиф ва тавсияларидан А-1-41рақамли “Касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш ўқув ишлаб чиқариш тизимида миллий анъанавий базани ҳамда ушбу йўналишда таълим бериш жараёнининг амалий-услубий асосларини яратиш” амалий лойиҳасида фойдаланилган

(Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг № 89-03-3280 сон маълумотномаси). Натижада мутахассислар касбий дискурси шакллантирилди ва адабий нутқ кўникмаси такомиллаштирилди;

Ўқувчилар креатив компетентлигини шакллантиришнинг интегратив технологияси концентрлаштирилган таълим (статистик маълумотлар, бирлаштирувчи ва фарқловчи семалар, грамматик эртак устида ишлаш, Менделеев жадвали асосида товушлар таҳлили) талабларига устуворлик беришга доир таклифлари асосида “Ҳозирги ўзбек адабий тили (фонетик услубиятни ўрганишда ўқувчиларнинг креатив компетенцияларини ривожлантириш)” номли ўқув қўлланма тайёрланган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 1186-сон буйруғи асосидаги 1186-058-сон гувоҳномаси). Натижада ўқувчиларни тил имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали креатив компетенциясини ривожлантиришга эришилди;

фонетик воситаларнинг сўзнинг таъсирчанлигини ошириш орқали ўқувчи креативлигини ривожлантириш жараёни самарадорлиги ўқувчиларда товуш ва фонема, интонация, фонетик услубиятни ўрганишда фанлараро алоқадорликнинг синхрон уйғунлигини таъминлаш асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларидан ОТ-Ф1-17 “Маънавий бегоналашувнинг олдини олишда шахс фаоллигини оширишни ижтимоий-педагогик татқиқ этиш” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг № 89-03-3280-сон маълумотномаси). Натижада шахснинг маънавий камолотида сўз ва нутқ ёрдамида самарали таъсир кўрсатишнинг илмий ва амалий аҳамияти такомиллаштирилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 12 та республика илмий-амалий конференциясида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий-услубий иш, шу жумладан, 1 ўқув-услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

#### **Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:**

Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матни 139 саҳифани ташкил этади.

### **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Тадқиқот ишининг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари санаб ўтилган. Шунингдек, ишнинг объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиллиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти

очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг 1- боби “**Академик лицейларда фонетик услубиятни ўқитишда ўқувчининг креатив компетенцияларини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари**” тарзида номланиб, 3 та бўлимни ўз ичига олади. Унда асосий эътибор фонетик услубиятни ўқитишда ўқувчининг креатив компетенциясини ривожлантириш усуллари, йўллари, жонли алоқа-аралашувда фонетик воситалардан фойдаланиш масалаларига қаратилган.

“*Фонетик услубиятни ўқитишнинг педагогик-психологик омиллари ҳамда дастур ва дарсликларда фонетик сатҳнинг ўрганилиши*” номли биринчи бўлимда фонетикани ўрганиш узлуксизликда ва узвийликда давом этиши, умумтаълим мактабларидан академик лицейгача оддийдан мураккабга тамойили асосида олиб борилганини кузатиш мумкин. Академик лицей ўқувчиларининг қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг интеллектуал ривожланиши чуқурлаштирилган, ихтисослаштирилган ҳолда ўқитишни таъминлай оладиган усуллар, технологиялар яратишни олдимизга мақсад қилиб олмоғимиз зарур. Бу ёшда ўқувчилар ўзлари танлаган таълим йўналиши бўйича билимларини ошириш ва муайян фан асосларини мукамал ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар. Академик лицей айнан шу мақсадни амалга оширишга, иқтидорли, истеъдодли ўқувчиларни тарбиялашга хизмат қилади. Шундай экан, тил дарсларини олиб боришда уларнинг креативлигини ривожлантириш учун интеллект даражасини янада юқорига кўтариш, улар салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарур ишларимиздан бири бўлиб ҳисобланади. Демак, бериладиган билимлар жуда содда бўлмасдан, у ўқувчи шахсининг ривожланишига таъсир этмоғи зарурдир.

Ўқувчининг креатив компетенцияларини ривожлантириш учун, аввало, “компетенция” тушунчасини таҳлил қилиб оламиз. Жумладан: Н.Ш.Турдиев, Ю.М.Асадов, С.Н.Акбарова, Д.Ш.Темировларнинг тадқиқотларида “компетентлик”, “компетенция” тушунчалари билимлар мажмуининг амалда қўлланилиши; фаоллашган (амалиётга татбиқ этилган) укув, билим, тажрибалар мажмуи; шахснинг мақсадга йўналтирилган эмоционал ирода кучи сифатида таърифланади.

Фонетика ўқитишдаги лингвистик компетенция орфографик ва интонацион қоидалардан турли вазиятларда фойдалана олиш кўникмасини ўз ичига олади. Шундан келиб чиқиб, креатив компетенция ҳам мустақил ва ижодий фикрлашни рўёбга чиқаради. Креативлик инглизча - “яратиш, ижод қилиш” каби маъноларни ифода этиб, у тил бўлимларини ўргатишга, ўқувчиларни олган билимлари устида ижодий ишлашга йўналтиради.

Диссертацияда дастур ва дарсликларда фонетик сатҳнинг ўрганилиши масалалари ёритилган. Зеро, мавжуд дастур ва дарсликлар таҳлилисиз фонетикани ўқитишни узлуксиз ва узвийликда ўрганиш ва хулоса чиқариш мумкин эмас. Чунки унда фонетик сатҳ ва уни ўқитишга қандай муносабат мавжудлигини, назарий маълумотларнинг изчиллигини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

*“Академик лицей ўқувчиларининг лингвистик креативлигини ўстириш омиллари ҳамда фонетиканинг услубий жиҳатларини ўргатишининг методик тамойиллари”* деб номланган 2-бўлимда фонетик-услубий воситаларнинг креатив тафаккур ва нутқ ривожига таъсири ва нутқ товушларини ўргатишда ўқувчининг креатив компетенцияларини ривожлантириш масалалари акс эттирилган.

Ушбу бўлимда академик лицей ўқувчиларига фонетик воситаларни жонли нутқий аспектда ўргатиш жиддий аҳамиятга молик экани, фонетик услубий воситаларнинг нутқдаги аҳамиятини кўрсатиш ва шу орқали ўқувчининг креативлигини ривожлантириш бугунги тил ўқитиш методикаси олдида турган энг муҳим вазифалардан бири эканлиги мисоллар асосида тушунтирилади ва уни амалиётда қўллаш билан боғлиқ услуб ва усуллар ҳақида тавсиялар берилади.

Маълумки, тилдаги фонемаларнинг асосий вазифаси сўз маъноларини фарқлашдан иборатдир. Шунингдек, у услубий эмоционалликни, бўёқдорликни ҳам ҳосил қилади. Чунки субъектив муносабат турли кўшимча маънолар, суперсегмент воситалар орқали ифода этилади. *“Она тили таълимида товуш ва фонемани ўрганишда ижодий тафаккурни ўстириш масалалари”*га бағишланган 3-бўлимда ўқувчиларга тил ва нутқни фарқлаш, шунингдек, фонема ва товуш тушунчаларини тушунтириш билан боғлиқ масалалар ўртага ташланган. Фонема - тил бирлиги, нутқда у тўла намоён бўлиши, нутқ эса сўзловчининг тил воситаларидан фойдаланиш жараёни ва шу жараён натижасида юзага келадиган ҳодиса эканлиги, унда тил материаллари воқе бўлиши таъкидланиб, фонетик услубиятни ўқитишда бу унсурларнинг нақадар аҳамиятлилиги мисоллар асосида тушунтириб берилган.

**“Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида фонетик услубият ҳамда уни ўқитишда ўқувчиларнинг малака ва кўникмаларини ривожлантириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобнинг *“Интонация ва унинг нутқдаги аҳамиятини ўргатиш”*га бағишланган бўлимида оғзаки нутқимиз фақат сегмент бирликлар қаторидан иборат бўлмай, товушлар қатори устига қўйилган устсегмент бирликларга ҳам эга бўлиши ва бу бирликлар нутқимизни тушунарли, таъсирчан қилишда катта аҳамият касб этиши баён қилинади. Устсегмент бирликлар урғу, тўхтам, нутқнинг эмоционал бўёғи кабиларни ўз ичига олади. Кўрсатилган устсегмент бирликларнинг жами нутқ оҳангини ташкил қилади. Ўқувчига нутқ гўзаллигини таъминловчи бундай бирликларни ва улардан қандай фойдаланиш йўллари сингдириш нутқ ривожига муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, интонация нутқнинг синтактик маъноларини ва экспрессив-эмоционал бўёқларни ифодалаш учун хизмат қилувчи ритмик-мелодик восита бўлиб, унинг таркибий элементлари қаторига нутқ мелодикаси, нутқ ритми, нутқ интенсивлиги, нутқ темпи, логик урғу, фраза урғуси кабилар кирди. Зеро, ҳар қандай ахборот адресатга тўлиқ, мукамал, таъсирчан етиб боришида интонациянинг аҳамияти жуда катта. Шунга кўра, интонацияни бошланғич синфданок она тили дарсларида ўқувчига шахсий намуна асосида

уқтириш билан бирга, унинг назариясини ҳам сингдириб бориш керак бўлади. Биргина Комил сўзининг турли оҳангда талаффуздан 16 хил мазмунни (*чақириқ, ундалма, жавоб, савол, ҳайратланиш, норозилик, огоҳлантириш, ялиниш, қўрқинч, гурур ва б.*) англаш мумкин. Дарак, сўроқ, буйруқ, ҳис-ҳаяжонли ва ҳис-ҳаяжонсиз гаплар интонацияси, сўзлар талаффузида таъсирчанлик бўёғини мақсадли қўллаш ва ҳ.к. фонетик услубиятни ўқитишда ўқувчи креативлигини оширишда аҳамиятли саналади.


Академик лицейларнинг 1-босқич талабалари учун нашр этилган дарсликда “Оҳанг ва унинг нутқдаги аҳамияти” мавзуси икки соатга мўлжалланган. Тадқиқотимизда ушбу мавзу билан боғлиқ равишда интонацияни алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидламоқчимиз. Ўқувчиларга интонация ва унинг нутқдаги ўрнини аниқлаш мақсадида бир қанча матнлардан фойдаланиш унинг услубий жиҳатларини ўргатишда, компетенцияларини намоён қилишда қулайлик туғдиради.

Креатив компетенцияни ўргатиш эмас, балки уни ўқувчиларда фақат намоён бўлувчи жиҳатларни ривожлантириш асосида шакллантириш мумкин. Албатта, фонетиканинг услубий жиҳатларини ўрганишда нутқдаги оҳангдорликни пухта ўргатиш муҳим аҳамиятга эга.

“Фонетик услубиятни ўрганишда фанлараро уйғунлик масаласи” ҳақидаги бўлимда интеграцияли таълимга эътибор қаратилиб, ўқувчиларда креатив компетенцияни шакллантиришда она тили дарсларини адабиёт, кимё, иқтисод, физика, физиология, ахборот технологиялари ва бошқа фанлар билан уйғунликда олиб бориш кутилган натижани бериши мисоллар билан тушунтирилади: товуш – а) лингвистик бирлик, б) физик ҳодиса, в) физиологик жараён натижаси, г) ижтимоий аҳамиятга молик унсур эканлиги ўрганилган.

“Фонетик услубиятни ўргатишда концентрлаштирилган таълимни қўллаш орқали ўқувчи креативлигини амалга ошириш омиллари” бўлимида она тили дарсларида муайян муддат давомида мавзу бўйича имкон қадар кўп маълумот бериш, ўқувчининг мавзу моҳиятини англашига эришиш, унинг амалий аҳамиятини, самарадорлигини янада юқори нуктага олиб чиқишдан иборат эканлиги уқтирилади.

Ўзбек тили таълими жараёнида фанлараро боғланиш



Фанлараро боғлиқлик қонуниятларининг аниқланиши, фанлараро алоқа методологиясининг яратилиши назарий ва амалий фанлар тарақққиётининг ҳал қилувчи омилидир. Зеро, объектив оламнинг бир бутунлиги фанларнинг ўзаро боғлиқликда ривожлантиришни тақозо этади.

Ишда назариядан амалиётга эмас, амалиётдан назария сари бориш кўзда тутилган бўлиб, товушлардаги, сўзлардаги **умумлаштирувчи ва фарқловчилик** хусусиятлари асосида лисоний бирликлар таҳлил қилинган. Товушларни фарқлаш ва бирлаштириш борасидаги намунавий дарс келтирилган, унда фонетик услубиятни ўргатишда концентрлаштирилган таълимнинг афзалликлари кўрсатилган.

**“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг натижалари”** деб номланган 3-бобда диссертацияда илгари сурилган илмий-назарий қарашларнинг амалиётдаги татбиқи ҳақидаги қарашлар баён этилган. Чиқарилган хулосалар, методик тавсиялар *анализ – синтез, синтез – анализ* тамойили асосида амалга оширилган бўлиб, 2015-2016, 2016-2017, 2017-2018 ўқув йилларидаги тажриба-синов ишлари натижаларидан иборат.

*“Фонетикани ўргатишда ўқувчиларни ижодий фаолият усулларига ўргатиш ҳамда ундаги амалий натижалар”* бўлимида ўтказилган тажриба-синов ишларидан намуналар келтирилган, анкета-сўровномада иштирок этган респодентлар сони ва натижалар таҳлилга тортилган.

Ишда академик лицейнинг назорат ва тажриба гуруҳлари ўқувчиларида билим, кўникма, малакаларнинг ўзлаштириш даражаси бўйича олинган натижалар математик-статистик метод ёрдамида қиёсий таҳлил қилинган.

Тадқиқот ишларининг дастлабки онларида, аввало, академик лицейларда тил ўқитишнинг аҳволи ўрганилди. Тажриба ўтказиладиган академик лицейлар ҳамда улардаги назорат ва тажриба гуруҳлари белгиланди.

Мазкур гуруҳ ўқувчиларининг билим даражаси компьютер ҳамда дидактик материаллар ёрдамида аниқланди.

Маълумки, ўзбек тили ўқитиш, хусусан, фонетик услубиятни ўқитиш бўйича ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш юзасидан мезонлар ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу мезонларда ўқувчиларнинг репродуктив ва продуктив (маҳсулдор) жавоб беришлари ва уларни шунга асосан баҳолаш кўзда тутилган.

Биз дидактиканинг сўнгги ютуқларига ва фонетик услубиятни ўрганиш мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мезонлар ишлаб чиқдик:

фонетика ўқитишнинг вазифаси, мақсади ва унга қўйиладиган талаблар аниқланди;

академик лицейларда фонетик сатҳни ўрганиш, креативлик асосида ташкил этиш учун самарали фойдаланиш мумкин бўлган таълим усул ва услублари ишлаб чиқилди;

фонетик сатҳни академик лицейларда қўллаш талаб этадиган моддий-техникавий, ижтимоий-педагогик, дидактик шарт-шароитларни муайянлаштириш йўллари белгиланди;

- ижодий фикрлашга йўналтирувчи дидактик талаблар ишлаб чиқилди.

Академик лицей амалиётида биз ўрганган, тавсия этган таълимни қўллаш:

- ўқувчиларда билим, кўникма, малака билан биргаликда ижодий фаолият тажрибалари борлиққа хиссий, кадрий муносабатни таркиб топтиришга имкон беради.

- ўқитувчиларнинг таълим мазмунининг таркибий қисмлари ва уларни ўқувчилар томонидан ўзлаштириш усулига мос равишда таълим воситаси, методи ва шакллари танлаши дарсларнинг самарадорлик даражаси юқори бўлишига олиб келади.

- ўрта махсус ва касб-хунар таълими малакасини ошириш институтларида ташкил этилган “Академик лицейларда она тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” ҳамда “Она тили дарсларига инновацион технологияларни жорий этиш” каби махсус курсларни ўқитувчиларнинг фонетик сатҳни академик лицей амалиётида қўллашга яқиндан ёрдам беради, деб ўйлаймиз.(1-жадвалга қаранг).

**Ўқувчиларда фонетик товушларни билиш ва уни нутқда қўллаш имкониятининг ривожланганлиги бўйича (Тошкент давлат аграр университети филиали Андижон академик лицейи) 134 та ўқувчининг ўзлаштириш даражалари бўйича анкета натижалари**

1- жадвал

№	Меъёрлар	Ўқув топшириқлари	Назорат гуруҳи			Тажриба гуруҳи		
			юқори	ўрта	паст	юқори	ўрта	паст
1	Бирлаштирувчи ва фарқловчи белгиларни аниқлаш	Ўйин усули. Машқлар тизими	6	24	37	32	24	11
2	Статистик маълумотлар билан ишлаш жараёнида ҳукм, хулоса чиқаришга ўрганиш	Матн устида ишлаш	10	21	36	32	27	8
3	Креатив тафаккурни ўстиришда хулоса чиқариш, изланиш	Омоним товушларни аниқлашда “ўйла, изла, топ” машқини бажариш	5	21	41	35	24	8
4	Концентрлаштирилган таълимни амалга оширишда манипуляцион (ҳаракат йўналишларини тез ва чакқон ўзлаштириш) мақсадни амалга ошириш бўйича	Хулосалар баён этилади	9	27	31	40	18	9
5	Фанлараро боғланиш усулларини олиб боришда тадқиқот-чилик ва ижодкорлик сифатларини намоён қила олишлари	Назария ва амалиёт бирлиги намоён бўлади	7	21	34	38	20	9
6	Мантиксизликдан маъно излашда мустақил фикрлай олишлари	“Мантиқий хатони топинг” интеллектуал ўйини	7	27	33	34	23	10

7	Фонетик ҳодисалар моҳиятини билиш, фарқлаш ҳамда қиёслаш олишлари	Мавзуга оид матнлар тузиш ва матн устида ишлаш	10	21	36	40	19	8
8	Товушлардаги модал маънони аниқлаш ва уни нутқда қўллаш олиши	Тезкор саволлар	9	17	41	45	13	9
9	Нутқнинг товуш томони ва унинг мазмунида фонетик услубиётнинг ўрнини аниқлаш	Назарий билимларни амалиётга татбиқ этиш маҳорати аниқланади	11	21	35	40	18	9
		Жами (ўртачаси)	8	22	37	37	21	9
		Ўқувчилар сони	25	22	20	37	27	3

**Ўқувчиларда суперсегмент воситаларни қўллаш имкониятининг ривожланганлиги бўйича (Наманган давлат университети академик лицейи ўқувчилари иштирокида) 140 та ўқувчининг ўзлаштириш даражалари охиригى натижалари. (2-жадвалга қаранг).**

2- жадвал

№	Меъёрлар	Ўқув топшириқлари	Назорат гуруҳи			Тажриба гуруҳи		
			юқори	ўрта	паст	юқори	ўрта	паст
1	Тасниф этиш, ўхшашлик ва фарқли жиҳатлар	Машқлар тизими	10	30	30	27	29	14
2	Хукм, хулоса чиқариш	Фонетик мотивацияга эга бўлган товушларни аниқлаш топшириқлари	12	28	30	27	31	12
3	Далиллаш, асослаш кўникмаларини ривожлантириш	Ўйла, изла, топ!	8	26	36	31	29	10
4	Фикрни баён этиш, ижодий матн тузиш	Топишмоқли топшириқлар	10	21	37	30	31	9
5	Берилган топшириқларнинг ечимларини топа билишлари	Ўн босқичли топшириқларни бажариш	13	29	28	34	24	12
6	Фанлараро боғланиш усуллари устида ишлаш	Менделеевнинг даврий жадвалини қиёслаш асосида “Заковат” интеллектуал ўйинини ўтказиш	8	34	28	31	30	9
7	Қиёслаш	“Ким ғолиб?”	18	28	24	34	26	10
8	Қўллаш	Аффектив (ҳиссиётли) ҳис қилиш	15	23	32	47	19	4
9	Фикрни баён этиш, ижодий матн тузиш	“Ким чаққон-у, ким эпчил	12	28	30	33	27	10
		Жами (ўртачаси)	10	25	35	39	21	10
		Ўқувчилар сони	25	27	18	34	27	9

**Ўқувчиларда фонетик услубиятни ўрганишда концентрлаштирилган таълим технологияси билан ишлаш имкониятининг ривожланганлиги бўйича (Бухоро муҳандислик технология институти қошидаги академик лицей ўқувчилари иштирокида) 144 та ўқувчининг ўзлаштириш даражалари (3-жадвалга қаранг).**

3- жадвал

	Меъёрлар	Ўқув топшириқлари	Назорат гуруҳи			Тажриба гуруҳи		
			юқори	ўрта	паст	юқори	ўрта	паст
1	Тасниф этиш, ўхшашлик ва фарқли жиҳатлар	Машқлар тизими	8	23	41	30	26	16
2	Интонацияни коммуникатив таҳлил қилиш.	Фонетик услубиятни ўргатишда декомпозиция ва иерархия каби бўлинишларни аниқлаш	6	22	44	36	32	14
3	Ҳукм, хулоса чиқариш	“Қармоқ” чизмаси бўйича мусобақа ташкил қилиш	8	23	41	29	30	13
4	Фикрни баён этиш, ижодий матн тузиш	Грамматик матн тузиш	10	14	48	27	31	14
5	Алоқадорликни аниқлаш	“Фонетик услубиятни аниқлаш” технологияси	11	22	39	34	25	13
6	Фикрни баён этиш	“Заковат” интеллектуал ўйини	9	29	34	37	23	12
7	Қиёслаш	Статистик маълумотлар билан ишлаш	9	22	41	40	19	13
8	Қўллаш	Товушлар кетма-кетлигида изоҳли луғат билан ишлаш	12	18	42	49	12	11
9	Фикрни баён этиш, ижодий матн тузиш	“Зукколар беллашуви”	8	22	42	43	18	11
		Жами (ўргачаси)	9	22	41	35	24	13
		Ўқувчилар сони	26	22	24	38	25	9

Юқорида келтирилган жадваллар умумлаштирилиб, математик-статистик таҳлил қилинди.

